



05.01.2022 даги

"HUDUDGAZTA'MINOT" AJ ва Сайхунобод тумани 1-сон касб-хунар мактаби ўртасида 29700000,00 сўм  
умумий суммага тузилган 03/10-0034 - сонли шартномага

**ТЎЛОВЛАР ЖАДВАЛИ\***

Боб 079  
Шахсий ғазна ҳисобварақ 100010860242167092901079003

2022 й. ойлар номи.	Харажатлар тури** (бюджет таснифнинг тегишли коди)			сўмда
	4222000			Жами
Январь	9 900 000,00			9 900 000,00
Февраль	9 900 000,00			9 900 000,00
Март	9 900 000,00			9 900 000,00
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				
<b>Жами йил бўйича</b>	<b>29 700 000,00</b>			<b>29 700 000,00</b>

Жами 29700000,00 сўм

Йигирма тўққиз миллион етти юз минг сўм 00 тийин

сумма сўз билан

Юқоридаги кўрсатилган суммадан \_\_\_\_\_ сўм ёки \_\_\_\_\_% \*\*\* шартноманинг умумий суммасидан  
\_\_\_\_\_ % \*\*\*20 \_\_\_\_\_ ойида-тўланиши лозим.

(\*) — бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан ғазначилик бўлинмасига икки нусхада тақдим этилади;

(\*\*) — бўлим, кичик бўлим ва харажат моддаси кўрсатилади;

(\*\*\*) — Юқоридаги кўрсатилган суммадан ойна \_\_\_\_\_% жорий ойнанинг \_\_\_\_\_ санасигача ҳар ойда олдиндан тўланиши лозим (ушбу сатр бюджет ташкилоти, бюджет маблағи олувчи ва БМЖ маблағи олувчи томонидан коммунал хизматлар кўрсатиш, алоқа хизматлари ва конун ҳужжатларида назарда тутилган ҳар ой доимий равишда товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб бериш шартномалари бўйича олдиндан тўловни амалга ошириш ҳолларида тўлдирилади).

Буюртмачи раҳбари



М.Ў

(имзо)

Раҳманов Камилжан Турсуналиевич

Ф.И.Ш.

Буюртмачи бош бухгалтери

(имзо)

Элмурадов Аъзамжан Олтибаевич

Ф.И.Ш.

Ғазначилик бўлинмасининг  
ходими қабул қилди

(имзо)

Буюртмачи ходими  
қабул қилди

(имзо)

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

«\_\_» \_\_\_\_\_ 20\_\_ й.

(чорак) учун кўрсатилган табиий газ хажмлари ўзгариши бўйича 10 кун олдин газ таъминоти ташкилотига хабар берган тақдирда, бундай ҳолат ортиқча олинган газ миқдори деб ҳисобланмайди.

## II. ГАЗНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТЛАРИ

2.1. Истеъмолчи томонидан газ тармоқларига уланиш амалдаги табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ амалга оширилади, бунда «Санаятгеоконтехназорат» ДИ рухсатномасисиз ва «Ўзнефтьгазинспекция» Худудий бўлимининг кўлланиладиган технологиялар ва асбоб-ускуналарнинг энергия жиҳатидан самардорлик кўрсаткичларига мувофиқлиги ҳамда ёқилгининг муқобил турларидан фойдаланиш тўғрисида хулосасисиз газ сарфловчи ускуналарга табиий газ етказиб бериш таъқиқланади.

2.2. Газ ушбу шартномада қайд этилган (1.4-банд) муддатларда ва ҳажмларда ҳамда ГОСТ 5542-2014(Саноат ва коммунал фойдаланиш учун табиий ёнувчи газлар)га мувофиқ тарздаги табиий газни етказиб берилади.

2.3. Истеъмолчи Таъминотчидан ушбу шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларига асосан жорий ой учун газ истеъмолчининг суткалик мезъри доирасида газ қабул қилиб олади, шунингдек, ой охирида тузилган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини имзолайди.

Модем ўрнатган Истеъмолчиларой давомида истеъмол қилган газ хажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ хажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ой давомида ҳисоботга киритилган газ хажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар.

2.4. Таъминотчи Истеъмолчига 24 соат ичида газ етказиб бериш ва қабул қилиш тартиби ва шартлари ўзгарганлиги тўғрисида барча усуллар орқали Истеъмолчини хабардор қилиши шарт.

Таъминотчининг авария-диспетчер хизматлари телефон рақамлари:

104, (78)221-12-13, (78)227-06-02, (78)221-12-74

2.5. Таъминотчи Истеъмолчини газ етказиб бериш қисқартирилишига қадар камда 24 соат аввал бу ҳақида хабардор қилиши шарт, магистрал газ қувурларида юз берган авария ҳолатлари бундан мустасно. Истеъмолчи хабардор қилингандан кейин газ етказиб бериш дарҳол қисқартирилади ёки тўхтатилади.

2.6. Магистрал ва тақсимловчи газ қувурларининг технологик иш режими бузилганда, шунингдек, куз-киш мавсумида ижтимоий соҳа объектларини ва аҳоли истеъмолчиларини бир маромда табиий газ билан таъминлаш мақсадида Таъминотчи Истеъмолчини огоҳлантирган ҳолда газ етказиб беришни чеклаш ёки тўхтатиб қўйиш ҳуқуқига эга, Истеъмолчи эса заҳира ёқилғи туридан фойдаланишга ўтади.

2.7. Истеъмолчи Таъминотчи билан газ етказиб бериш-қабул қилиш доирасида тезкор маълумотларни мунтазам алмашишни таъминлаш учун жавобгарликни ўз зиммасига олади.

2.8. Истеъмолчи заҳира ёқилғи туридан фойдаланишни кўзда тутиши ва уни етарли миқдорда (3 ойдан кам бўлмаган муддатга) шакллантириши шарт.

Истеъмолчи Таъминотчининг асосланган талаби билан табиий газдан фойдаланиш қондаларига мувофиқ заҳира ёқилғига ўтиши ва газдан фойдаланишни тўхтатиши лозим. Газ етказиб беришнинг тўхтатилиши тегишли далолатнома билан расмийлаштирилади.

2.9. Истеъмолчи ўзига тегишли бўлган газ тармоқлари ва уларда ўрнатилган ускуналар, ГТП (газ тақсимлаш пункти), газдан фойдаланиш ускуналаридан соз ҳолда фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ҳамда сақлаш учун жавобгар ҳисобланади.

2.10. Истеъмолчининг кўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўрнатилиши, реконструкция қилиниши ёки таъмирланиши оқибатида газ сарфлаш хажми ўзгаришига олиб келган ҳолларда, Истеъмолчи Таъминотчидан кўшимча газдан фойдаланиш ускуналарини ўрнатиш ёки реконструкция қилишга техник шартларни олиши шарт, техник шартларнинг берилиши Давлат хизматлари маркази орқали амалга оширилади.

2.11. Таъминотчи табиий газни ўртача суткалик норма доирасида ой мобайнида бир хил миқдорда, истеъмол қилишнинг суткалик нормасидан камайтириш ҳисобига чекинш зарураги бўлган ҳолатларда эса — томонлар ўртасида келишилган диспетчерлик жадваллари бўйича етказиб бериши, истеъмолчи эса (маиший истеъмолчилар ва умумий ҳисоб қуввати 100 кВт.дан кўп бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасига эга оилавий қорхоналардан ташқари) уни бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш прибори орқали олиши шарт.

Газ таъминоти ташкилотларига ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлари (нукталар) орқали етказиб берилган табиий газ хажмлари истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларининг умумий йиғиндиси бўйича аниқланади. ГТСнинг алоҳида чиқиш газ қувурлар (нукталар) ва истеъмолчилар билан бўлиниш чегарасида ўрнатилган табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборларига қадар ўрнатилган бошқа табиий газ истеъмолчини ҳисобга олиш приборлари, газ таъминоти ташкилотлари билан ўзаро ҳисоб-китоб қилиш учун яроқсиз деб ҳисобланади.

Республика худуди бўйича табиий газни етказиб беришнинг ойлик ҳажмлари «Ўзтрансгаз» АЖ ва «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан газ ташиш тизимининг ресурс ва техник имкониятларидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

2.12. Истеъмолчи ёки Таъминотчининг тўлов реқвизитлари ўзгарган ҳолатларда улар зудлик билан бир-бирини бу ҳақида хабардор қилиши шарт.

2.13. Табиий газни қазиб олиш, қайта ишлаш, узатиш, тақсимлаш ва истеъмол қилиш режимининг ягона узлуксиз технологик жараёнини ҳисобга олиб, Таъминотчининг кўрсатмаларини бажариш Истеъмолчи учун мажбурий ҳисобланади.

## III. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗНИ ҲИСОБГА ОЛИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

3.1. Газни ҳисобга олмасдан етказиб беришга йўл қўйилмайди.

3.2. Етказиб берилган газ миқдори газ тармоқлари бўлиниши чегарасида

ўрнатилган ҳисоблаш приборлари кўрсаткичлари ёки ўлчаш комплекси бўйича аниқланади ҳамда ҳар икки томон имзолайдиган газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси билан расмийлаштирилади.

Газ тармоғи бўлиниши чегараси (Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоғининг бошланиши ҳисобланиб) Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги, тегишлилиги бўйича аниқланадиган газ тармоғи бўлиниши нуқтаси ҳисобланади ва унда ҳисоблаш приборлари ўрнатилиши шарт.

**3.3.** Бирлик миқдори стандарт шароитда 1 м<sup>3</sup> газ олинади: ҳарорат 20° С, босим 101,325 кРа (760 mmHg) (ГОСТ 2939-63 1.1-бандига асосан). Газ ҳажми газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитда, азот ва карбонат ангидрид) қийматлари бўйича тузатилади.

Газ миқдори “Ўзстандарт” агентлигининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига мувофиқ газ миқдорини стандарт шароитга автоматик равишда келтирадиган газни ҳисоблаш приборлари ёрдамида аниқланади.

**3.4.** Таъминотчининг ёки Истеъмолчининг балансида бўлган газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси унинг мулки ҳисобланади.

**3.5.** Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси танлови тегишли қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилади ва Таъминотчи билан келишилади. Истеъмолчи томонидан газ ўлчаш прибори ва/ёки ўлчов комплекси газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизим (ТТХНАТ-АСКУГ) ларига уланиши лозим.

**3.6.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексини ўрнатиш ва ишлатиш амалдаги қоидалар ва меъёрларга мувофиқ амалга оширилиши керак.

Бунда табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборларини таъмирлаш ва давлат қиёсловидан ўтказиш сарф-ҳаражатлари ҳисобга олиш прибори мулкдори томонидан қолланади.

**3.7.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекси эгаси уни ишлатиш давомида O'z DSt 8.030:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ҳисобга қўйиладиган умумий талаблар”, O'z DSt 8.031:2008 “Ёқилғи ва энергия. Ўлчаш приборлари билан жиҳозлаш ва уларни ишлатиш” давлат стандартлари талабларига, шунингдек ўлчаш приборлари ишлаб чиқарувчининг талабларига риоя қилиш.

**3.8.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг метрологик ва техник тавсифлари амалдаги меъёрлар ва қоидаларга мувофиқ бўлиши керак.

**3.9.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари “Ўзстандарт” агентлигининг жорий қиёслов кўригидан ўтказилган сертификатга ва/ёки метрологик аттестациясига эга бўлиши керак. Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларининг қиёслов кўриқдан ва/ёки метрологик аттестациясидан ўтиш даврини “Ўзстандарт” агентлиги белгилайди.

**3.10.** Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслов кўриги/калибрлаш, тораий мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келинув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

**3.11.** Режалаштирилган ишларнинг бир қисми сифатида (қиёслаш кўриги/калибрлаш, тораийтириш мосламасини алмаштириш, таъмирлаш) газ

ўлчаш приборларини ва/ёки ўлчов комплексининг қисмларини ечиш ва ўрнатиш техник ва/ёки ишлаб чиқариш эҳтиёжлари асосида келинув бўйича ва иккала томоннинг вақиллари иштирокида амалга оширилади.

**3.12.** Газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплексларини модернизация қилиш, газ ўлчаш приборларини алмаштириш, газни ўлчашнинг бошқа усулларини танлаш масалалари Таъминотчи билан келишилади.

**3.13.** Газнинг физик-кимёвий параметрлари (стандарт шароитдаги зичлик, азот ва карбонат ангидрид) газ ўлчаш приборининг конфигурациясига кiritилади.

Газ ўлчаш приборининг эгаси газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида газ ўлчаш приборини конфигурациясига кiritишни таъминлайди. Таъминотчи Истеъмолчига газнинг физик-кимёвий параметрларини ўз вақтида етказиб берилишини таъминлайди.

**3.14.** Таъминотчи ўзининг тамгаларини газ ўлчаш приборларига ва/ёки ўлчаш комплексининг газ ҳажмини ўлчашга таъсир қиладиган қисмларига Истеъмолчи иштирокида ўрнатади ва тегишли далолатнома тузилади. Ўрнатилган тамгаларни бутлилга Истеъмолчи жавобгардир.

**3.15.** Таъминотчи Истеъмолчининг газ ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчов комплекслари ва уларнинг таркибий қисмларининг тўғри ишлашини кузатиш ҳуқуқига эга. Шу билан бирга, Истеъмолчи Ўзбекистон Республикаси қонучилигига мувофиқ Таъминотчи вақилларининг ўлчаш приборлари ва/ёки ўлчаш комплексларига тўсиксиз киришини таъминлайди.

**3.16.** O'z DSt 8.586.(1-5)-2005 бўйича ўлчов комплекси ва ўлчаш приборлари ишида гайритабиий ҳолатлар юзага келган тақдирда O'z DSt 8.064:2017 бўйича газнинг миқдори ҳисобланади (корректировка). Ўлчаш қурилмаси ва/ёки ўлчаш комплекси фаолиятига руҳсатсиз аралашини ҳолатлари бундан муастасно.

**3.17.** Олинган газ учун ҳисоб-китоб, қуйидаги ҳолларда тамгааланмаган газдан фойдаланиш ускунасининг 24 соат давомида ишлаб туриши ҳисоб-китобидан амалга оширилади:

а) газни ҳисобга олмаган ҳолда газ истеъмоли – газни ҳисоблаш прибори ва газни сарф қилиш нормаси бўлмаганда, газни ҳисоблаш приборини четлаб ўтган ҳолда истеъмоли қилиш (ноқонуний байпас линиялари уланганда) охириги ҳагловдан ўтказиш далолатномаси тузулган кундан аниқланган кунгача, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

б) ҳисобга олиш приборини улаш тартиби ва схемаси ўзгаририлганда – охириги ҳагловдан ўтказиш далолатномаси тузулган кундан, лекин даъво муддатидан кўп бўлмаган даврга;

в) ҳисобга олиш прибори бузилганда (ҳисобга олиш прибори бузилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) – шартноманинг 1.4 ва 1.5-бандларини инобатга олган ҳолда бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

г) ҳисобга олиш прибори мавжуд бўлмаганда – қиёслов кўригидан ўтказиш учун ечилганда – ҳисобга олиш прибори ечилган кундан “Ўзстандарт” агентлигидан қиёсловдан ўтказилиб, сертификат олинмиб жойига ўрнатилган

кунгача бўлган вақтга;

д) ҳисобга олиш приборини қиёслов кўригидан ўтказиш ва/ёки ўлчов комплексини метрологик аттестациядан ўтказиш мuddати тугаганда – қиёслов кўригидан метрологик аттестация ўтказиш мuddати тугаган кундан қиёслов кўригидан ёки метрологик аттестация ўтказиш учун ечилиган кунгача бўлган вақтга;

е) ҳисобга олиш прибори ёки ўлчов комплексининг қисмларига ўрнатилган таъминаларнинг бутлиги бузилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб, лекин бир ҳисоб-китоб давридан кўп бўлмаган вақтга;

ж) ҳисобга олиш приборини ўзбошимча ечиб қўйилганда – охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

з) газни тарқатиш тармоқларининг технологик режимини бузадиган газ кувурларида ёки ГТПларида асбоб-ускуналар ўрнатилганда - охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача бўлган вақтга;

и) газ ҳисоблаш ускунасининг конфигурацияларига ноқонуний тарзда ташқи таъсир кўрсатган ҳолда табиий газни истеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда – ташқи таъсир кўрсатилган кундан бошлаб (агар аралашув кунини ва фактини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжуд бўлса), бироқ даъво мuddатидан ортиқ бўлмаган мuddатга;

к) ҳисобга олиш приборининг хотирасида сақланадиган архив маълумотларини йўқотиш, газ ўлчашни автоматлаштирилган тизимдан ҳисобот ойда маълумотлар олиш имкони бўлмаганда ёки Таъминотчининг оператив журналларидан олинган маълумотлар бўлмаган тақдирда. (Ҳисоб-китоб учун ТТХНАТ (АСКУТ) тизими жорий қилинган истеъмолчиларда ҳисобот даври учун архив маълумотлари мавжуд бўлмаган ҳолларда истеъмол қилинган табиий газ ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар ТТХНАТ тизимида қайд этилган маълумотлардан олинади);

л) газ истеъмоли ҳажмлари ҳисобга олиш приборининг рухсат этилган максимал ўлчов чегарасидан ортиқча бўлганда, пломбаланмаган газ жиҳозларидан фойдаланилган газ учун ҳисоб-китоблар охириги ҳатловдан ўтказиш далолатномаси тузилган кундан, ҳатлов далолатномаси мавжуд бўлмаганда эса – газ таъминоти ташкилоти вакили томонидан охириги марта бориб кўрилган кундан амалга оширилади;

м) газлаштириш ҳужжатларини расмийлаштирмастан истеъмолчи томонидан қўшимча газ қурилмаси ўрнатиш ҳолати аниқланганда (қўшимча газ анжомларини ўрнатиб олиб фойдаланаётганлик факти бўйича асослантурувчи ҳужжатлар мавжуд бўлганда) - бир ҳисоб-китоб даврига;

н) газ узиб қўйилгандан сўнг ўзбошимчалик билан қайта уланганда, узиб қўйилган кундан бошлаб то аниқланган кунга қадар.

3.18. Истеъмолчининг ҳисобга олиш прибори газ ҳажминини пастки чегараси остида сарфлаганда, газ ҳажми ҳисобга олиш прибори ва/ёки ўлчов комплексининг меъёрий-техник ҳужжатларида кўрсатилган ўлчовининг пастки

чегарасида олинади.

3.19. Таъминотчи томонидан етказиб бериладиган газ ҳажмининг ишончилигига таъсир кўрсатувчи ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборларининг ишлаши бузилган ҳолатлар аниқланганда, Таъминотчи "Ўзстандарт" агентлиги бўлинмаларида ўлчов комплекслари ва газни ҳисоблаш приборларини экспертизадан ўтказишни талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Агар ўлчов комплекслари ва ҳисоблаш приборлари носоз бўлса, экспертизадан ўтказганлик учун тўловлар Истеъмолчи томонидан, соз ҳолатда бўлганда эса – экспертиза ўтказилиши талаб қилган Тараф томонидан амалга оширилади.

3.20. Агар ҳисобга олиш прибори ишдан чиққанда ёки ҳисобга олиш приборидан газ сизиб чиқиш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчи 24 соат ичида Таъминотчига бу ҳақда хабар бериши шарт. Шунингдек корхонадаги газ ишлатадиган асбоб-ускуналарни ишлаш графигини тузиши ва ишламайдиган газ асбоб-ускуналарини Таъминотчи билан биргаликда ўчириб таъминоти ташкилоти таъминлаши шарт.

3.21. Ҳисобга олиш приборларида газ сизиб чиқиш ҳолати аниқланган тақдирда қайта ҳисоб-китоблар охириги кўрик ёки газ таъминоти ташкилоти вакили бориб кўрган вақтдан бошлаб аниқланган кунгача, лекин даъво мuddатидан кўп бўлмаган даврда амалга оширилади. (О'з DSt 8.586 га кўра газни аниқлаш тизимлари герметик ҳолатда бўлиши керак).

#### IV. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ГАЗ УЧУН ҲИСОБ-КИТОБНИ АМАЛГА ОШИРИШ

4.1. Истеъмолчи мазкур шартнома асосида етказиб берилган газ учун тўловни амалга ошириши шарт.

4.2. Газ учун нархлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан амалдаги қонунчиликка мувофиқ белгиланади.

4.3. Тарафларнинг келишувига мувофиқ, Истеъмолчи ҳисоб-китоб қилиш даври бошланишидан камида 5 кун олдин ушбу шартноманинг 1.4-бандида кўрсатилган ойлик газ ҳажми кийматининг 30% суммасини Таъминотчининг ҳисоб рақамига ўтказиб беришга келишдилар.

4.4. Истеъмолчи ҳар ойнинг 10 санасига қадар аввалги ойда истеъмол қилинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга ошириши керак.

4.5. Стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга Истеъмолчилар ҳисоб-китоб қилиш оyi тугагандан кейин 30 кун мобайнида олинган газ учун якуний ҳисоб-китобни амалга оширадилар.

4.6. Табиий газдан фойдаланишда Истеъмолчининг айби билан табиий газ етказиб беришга шартномада кўрсатилганидан ҳажмдан кам фойдаланилган тақдирда, аванс тарзида тўланган маблағлар қайтарилмайди, кўрсатиб ўтилган маблағлар эса келгусида газдан фойдаланишда ҳисобга олинади.

4.7. Истеъмолчи томонидан табиий газ етказиб бериш учун тузилган шартномада белгиланганидан кўп ҳажмда ва газ таъминоти ташкилоти билан олдиндан келишилмасдан газ олинган тақдирда, Истеъмолчидан шартномадаги

ҳажмлардан ортиқча олинган табиий газ кийматиغا нисбатан 1,4 коэффициент билан оширилган тўлов ундирилади.

Бунда, белгиланган тартибда ҳисоблаш приборини алмаштириш, таъмирлаш, хизмат кўрсатиш, текшириш ва созлигини мониторинг қилиш учун ечиб олиш, шунингдек, Истеъмолчига алоқадор бўлмаган турли хил (электр таъминоти носозлиги, чакмок, қисқа туташув ва х.к.)даги техник носозликлар аниқланганлиги сабабли истеъмол қилинган табиий газ ҳажмини ўрнатилган газ асобоб ускуналарини тўлик қуввати бўйича ҳисоб-китоб қилиниши натижасида шартномадаги ҳажмлардан ортиқ ҳажмларни ташкил қилган ҳолатлар бундан мустасно.

4.8. Табиий газ учун Истеъмолчининг қарзи мавжуд бўлган тақдирда, унинг аванс тўлови ҳисобига ўтказилган маблағлари Истеъмолчини хабардор қилган ҳолда қарзни қоплашга йўналтирилади ва аванс тўлови сифатида ҳисобга олинмайди.

4.9. Шартномада кўрсатиб ўтилган муддатларда етказиб берилган газ киймати ўз вақтида тўланмаганда, Истеъмолчи муддати ўтган ҳар бир кун учун муддати ўтган тўлов суммасининг 0,4 фоизи миқдорига, лекин муддати ўтган тўлов суммасининг 50фоизидан ошмайдиган миқдорда пеня тўлайди.

4.10. Ҳисоб-китоб ойда етказиб берилган табиий газ ҳажми Таъминотчи вакиллари томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборидан кўрсаткичларни ёзиб олиш (ТГХНАТга уланган, шунингдек, табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларига эга бўлмаган ва белгиланган меъёрлар бўйича ҳисоб-китоб қиладиган истеъмолчилар бундан мустасно) асосида, кейинчалик ёзиб олинган кўрсаткичлар Fossa тизимига киритиш, шунингдек, истеъмолчилар томонидан табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини интерактив хизматлар воситаларидан фойдаланган ҳолда киритиш орқали аниқланади.

4.11. Шартноманинг 4.10-бандига асосан кўрсаткич олинганидан сўнг кейинги ойнинг 5 кунига қадар Таъминотчи томонидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси расмийлаштирилади ва унга асосан истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ойна давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ойна давомида ҳисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар. унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактура юборади.

4.12. Таъминотчи ва Истеъмолчи ўртасидаги ҳисоб-китобларнинг ҳаққонийлигини таъминлаш учун ҳисобот даврида газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномаси Истеъмолчида қуйидаги техник ҳужжатлар мавжуд бўлганда расмийлаштирилади:

- а) газни ҳисоблаш прибори хотирасидан ҳисобот даври учун олинган (кўчирма) архив маълумотлари;
- б) Истеъмолчига тақдим этиладиган, Истеъмолчининг бўлиниш чегарасигача бўлган жойдаги газ тармоқлари ва ГТҚлардаги технологик

йўқотишларнинг ҳажми тўғрисидаги далолатноманинг мавжудлиги;

Бунда Истеъмолчи балансида бўлган газ тармоқлари ва ГТҚдаги технологик йўқотишлар Истеъмолчи ҳисобига олиб борилади.

4.13. Истеъмолчи ойнанинг 7 кунидан кечиктирмасдан Таъминотчидан ҳисоб-китоб ойна учун газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини қабул қилиб олади, имзолайди ва бир нусхасини Таъминотчига жўнатади. Расмийлаштирилган газ етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасига асосан электрон ҳисобварақ-фактурани қабул қилади.

Модем ўрнатган Истеъмолчилар ойна давомида истеъмол қилган газ ҳажмини Таъминотчига электрон тарзда юбориши мумкин, ушбу газ ҳажми ҳаққоний бўлган тақдирда, Таъминотчи уни ҳисоботга киритади, шунда Тарафлар Таъминотчи Истеъмолчига ойна давомида ҳисоботга киритилган газ ҳажмини етказиб берганлигини тасдиқлайдилар, унга асосан Таъминотчи Истеъмолчига электрон ҳисоб варақ-фактурани юборади.

4.14. Табиий газни етказиб бериш-қабул қилиш далолатномасини имзоламаслик ёки уни эътирозлар билан имзолаш Истеъмолчини кўрсатиб ўтилган табиий газ ҳажмлари учун тўловлардан озод қилмайди. Узатилган ёки қабул қилинган газ миқдорини аниқлашдан норози бўлган томон далолатномада норозилик сабабларини мажбурий акс эттириш йўли билан ҳисоб-китоб қилиш ойна тугагандан кейин 10-кунгача бошқа томонга бу тўғрида маълум қилиб, сўнг далолатноманинг бир нусхасини Таъминотчи вакилига тақдим қилади. Ушбу масалани ўзаро ҳал этиш имконияти бўлмаганда, келишмовчилик сабаблари белгиланган тартибда кўриб чиқиши керак.

4.15. Истеъмолчидан дебитор қарзларни ундириш Таъминотчи томонидан қонунда белгиланган тартибда амалга оширилади.

4.16. Газ учун амалдаги тарифлар (нарсалар) ўзгарган тақдирда, Таъминотчи бу ҳақидаги ахборотни ўн беш кун олдин оммавий ахборот воситалари орқали хабардор қилади. Газ учун тарифлар ўзгарганида, мазкур шартнома ўз кучида қолади, истеъмол қилинган газ учун тўлов эса янги тариф асосида, у қонунда белгиланган тартибда кучга кирганидан сўнг амалга оширилади. Бунда истеъмолчи табиий газнинг аванс тарикасида тўланган ҳажми учун тўлов қонундан бошлаб кўпи билан кейинги 1 ой кўшимча тўлов тўлашдан озод қилинади.

## V. ХУҚУҚБУЗАРЛИКЛАР ВА ГАЗДАН НОҚОНУНИЙ Фойдаланиш учун жавобгарлик

5.1. Газдан фойдаланишда Истеъмолчи томонидан мазкур шартноманинг 3.17.-бандида кўрсатиб ўтилган ҳуқуқбузарликларга йўл қўйишни, Таъминотчи ва Истеъмолчи вакиллари томонидан имзоланган ва икки нусхада тузилган далолатномаси билан расмийлаштирилади.

5.2. Ушбу шартноманинг 5.1-бандига асосан расмийлаштирилган далолатномага мувофиқ Истеъмолчидан, фойдаланган газ ҳажми киймати (амалдаги тарифлар бўйича) ундириб олинади.

5.3. Бунда мазкур шартноманинг 5.2-бандида кўрсатилган ҳолатларда газ

- табиий газ етказиб бериш шартномасини бир томонлама бекор қилиш.
- Истеъмолчи мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни бажармаган тақдирда, унга табиий газ етказиб беришни тўхтатиш.

### 7.3. Истеъмолчи қўйдиқларга мажбур:

- мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларни ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажариш;
- ҳисобот ойда табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномасини ва ҳисоб-варақасини расмийлаштириш учун ҳар ойнинг 5-санасига Таъминотчига электрон газ ҳисобдонини архив маълумотлари (распечатка) ёки газни ҳисобга олиш приборларининг кўрсаткичларини тақдим этиш, ушбу маълумотларни тақдим қилмаслик етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ойлик истеъмол қилинган газ ҳажми ҳақидаги ҳужжатлар(табиий газ етказиб бериш ва қабул қилиш далолатномаси, ҳисоб-варақ фактура, солиштирма далолатномаси ва х.к.з)ни ўз вақтида имзо(муҳр) билан тасдиқлаб бориш, Истеъмолчи тақдим қилинган ҳужжатларни имзо(муҳр) билан тасдиқлашдан бош тортган тақдирда, ушбу ҳолат етказиб берилган табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланади;
- ташкилий ҳуқуқий шакли ўзгарган тақдирда ёки ЯТТга берилган гувоҳнома муддати тугаган тақдирда, бу ҳақда дарҳол Таъминотчига ёзма равишда хабар бериш;
- шартномани назарда тутиб бўлишдан рўйхатдан ўтказганидан кейин уч кунлик муддат ичида асослантурувчи ҳужжатни Таъминотчига тақдим этиш;
- газдан оқилона ва тежамкорлик билан фойдаланиш;
- газ ҳўжалиги газ қувурлари ва ускуналарини техникажиҳатдан соз ҳолатда сақлаш;
- газ тармоқларида ёки газдан фойдаланиш ускунасида вужудга келган табиий газ сизиб чиқиши ҳолати ҳақида газ таъминоти ташкилоти диспетчерлик хизматларини зудлик билан хабардор қилиш;
- ўзининг газ тармоқлари даҳсизлигини таъминлаш ва эҳтимоли бўлган руҳсатсиз улаишларни аниклаш мақсадида уларни ва улардаги ускуналарни мунгазам равишда кўздан кечириб чиқиш;
- газ таъминоти ташкилотлари газ тармоқларига сертифициланмаган, газлаштириш лойиҳасига (ЛТХ) мувофиқ бўлмаган газдан фойдаланиш ускунасининг уланишига йўл қўймастик;
- газ Таъминотчи вакиллари ва “ўзнефтгазспекция” ходимларининг (тегишли гувоҳнома кўрсатилган тақдирда) табиий газни истеъмол қилишни ҳисобга олиш приборларини ва/ёки газдан фойдаланиш ускунасини куннинг исталган вақтида эркин кўздан кечиришини таъминлаш;
- газдан фойдаланиш ускунасидаги носозликларни (бундай турдаги ишларни бажариш ҳуқуқига эга бўлган ихтисослаштирилган бригадалар ёки ходим ёрдамида) бартараф этиш;
- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларнинг ишлашига тўсқинлик қилувчи ҳаракатларни

амалга оширмаслик, уларнинг қасддан бузилишига йўл қўймастик ва ўрнатилган тамгаларнинг бутунлигини таъминлаш;

- табиий газ истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишидаги носозлик анникланган тақдирда, газ таъминоти ташкилотини ўзи учун қулай шаклда дарҳол хабардор қилиш.
- Газ тармоғи бўлиниши чегарасида табиий газ сарфи бўйича маълумотларни масофадан олиш имкониятини берувчи газ истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган (ТГХНАТ-АСКУГ) тизимига уланган ҳисоблаш приборлари Истеъмолчи томонидан ўрнатиш;
- Таъминотчи томонидан юборилган талабномаларга қонунда назарда тутилган 15 кунлик муддат ичида жавоб қайтариш(белгиланган муддат ичида талабномага жавоб қайтармаслик табиий газ ҳақини тўлашдан бош тортиш деб баҳоланиши мумкин);
- Таъминотчи томонидан тақдим қилинган мувожаатларни қабул қилиб олиб, қонунчиликда назарда тутилган ҳолларда уларни имзо ва муҳр билан тасдиқлаб бериш;

### 7.4. Истеъмолчи Таъминотчидан қўйдиқларини талаб қилиш ҳуқуқига эга:

- етказиб берилган табиий газнинг газнинг анникланган ҳажмига ва бошқа параметрларга норози бўлган тақдирда, Таъминотчининг табиий газни истеъмолини ҳисобга олиш приборлари ишлашининг ишончилигини текшириш учун комиссия ташкил этиш;
  - табиий газнинг стандартлаштириш бўйича норматив ҳужжатларда кўзда тутилган сифатда ва етказиб бериш режимида риоя қилган ҳолда узатилиши;
  - табиий газни етказиб бериш шартномаси бекор қилинганда, фойдаланилмаган газ ҳажми учун тўланган суммани қайтариш;
  - табиий газни етказиб бериш шартномасини қонун ҳужжатларига мувофиқ бир томонлама бекор қилиш;
  - табиий газни етказиб бериш тўхтатилганда, зарарни қоплашни талаб қилиш (шартноманинг 2.5. ва 6.1. бандлари бундан мустасно);
  - газ етказиб беришни вақтинча тўхтатишни.
- Истеъмолчи қонунчилик ҳужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлиши мумкин.

## **VIII. ТАРАФЛАРНИНГ МОДДИЙ ЖАВОбГАРЛИГИ**

- 8.1. Тарафлар мазкур шартнома билан зиммасига олган мажбуриятларини ўрнатилган тартибда ва муддатларда бажаришлари шарт.
- 8.2. Тарафлар, зиммасига олган мажбуриятларини бажармаганликлари ёки лозим даражада бажармаганликлари бўйича амалдаги қонунчилик ҳужжатлари билан жавобгарликни ўтайдилар.
- 8.3. Таъминотчи газни етказиб бермаганлик ёки тўлик етказиб бермаганлик учун қўйдидаги ҳолларда жавобгар ҳисобланмайди.

ёки муносабатларни тўхтатиш ҳуқуқига эга бўладилар.

11.2. Форс-мажор ҳолатлар юзага келган тақдирда, тарафлар ҳар қандай алоқа воситаси ёрдамида бир-бирини хабардор қилиши керак.

11.3. Агар, кўрсатилган ҳолатлар 90 кундан ортиқ кун мобайнида сакланиб турса, томонлар музокаралар йўли билан шартномани келгусида бажариш тўғрисидаги қарор қабул қиладилар.

## ХII. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШИ

12.1. Ушбу шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар ёзма равишда расмийлаштирилиши ҳамда тарафлар томонидан имзоланиши керак.

12.2. Бюджет ташкилотлари учун шартнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 28 февралдаги ПҚ-594-сон қарорига асосан Ҳазначилик бўлими томонидан мажбурий тартибда рўйхатдан ўтказилган кундан бошлаб кучга киради.

12.3. Шартнома 2022 йил 31 мартгача бўлган муддатга тузилган. Шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади.

Бюджет ташкилотлари учун шартнома бир йилга тузилади, шартноманинг муддати тугаганидан кейин, агар томонлардан бири шартномани бекор қилиш тўғрисида талаб билан мурожаат қилмаган бўлса, шартнома кейинги йилга узайтирилган ҳисобланади. Бюджетдан маблағ олувчилар ҳар йили "2022" йил 31 март санасига" амал қилишлари лозим.

## ХIII. ЯҚУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

13.1. Ушбу шартнома томонларнинг ҳар бири учун икки нусхада тузилган, иккала нусхааси ҳам бир хил юридик кучга эга.

## ХIV. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА МАНЗИЛИ:

«ТАЪМИНОТЧИ» «Худудгаз Сирларё» газ таъминоғ филиали Гулистон шаҳар. А. Темур кўч. 65 уй х/р 263400060512960423	«ИСТЕЪМОЛЧИ» Сайхунбегов Тўхсат 1-сон қаб- Дунқар мактаб х/р 23402000300100001010
АТБ Ўзсаноатқурилишбанк Сирларё минтақавий филиали МФО: 00435; ИИН: 3066057691 ОКЭД: 35220; Тел: +99897-247574431	Банк Марказий Банк Tashkent City Branch MIB: 0010001; ИИН: 204121517 Ҳисоб рақами: 242670940001000100 Ҳисоб рақами: 242670940001000100
Раҳбар: Ж.Халимов	Раҳбар: А.Тўхсат
Имзо:	Имзо:

## Юрист хулосаси:

Мен, ушбу шартномани амалдаги Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик Кодекси, «Ҳужалик юритувчи субъектларнинг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида» ги Қонуни ва бошқа қонун ҳужжатлари асосида ҳуқуқий экспертиза қилиб, ушбу шартномада кўрсатилган муносабатлар юқоридаги қонун ҳужжатлари билан тартибга солиниши, тарафларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ҳисоб-китоб тартиби, газни етказиб бериш ва узиб қўйиш тартиби, тарафларнинг мулкий жавобгарлиги, низоларни ҳал этиш тартиби талабларга мувофиқлигини билдираман. Шу сабабли ушбу шартномани имзоласа бўлади деб ҳисоблайман.

Б. Нусратов

(Ф.И.Ш.)

(ИМЗО, МҲҲР)

05.04.22

(сана)

2022 йил «5 январдаги 03/10-0034 -сон шартномага ИЛОВА

Фойдаланишга қабул қилинган газдан фойдаланиш ускуналари РЎЙХАТИ

Фойда тур:

Тўғрилик муносабати

Кадастр	120608010204130001
Табиий газ тарифи	660 сўм
сўм	00
тийин	

Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат

Т/р	Корхона, участка, цех номи	Агрегатлар		Лойихавий газ сарфи, м.куб/соат	Газни ҳисобга олиш приборларининг турлари
		номи	соми		
		ВВа - 150	4	17,0	ГРУНЦ - 640
		ВВа - 30	2	3,5	



ТАЪМИНОТЧИДАН  
Раҳбар Ж.Халимов



ИСТЕЪМОЛЧИДАН  
Раҳбар А.Тўхсат

73-51



Юридик хизмат ходими аттестациядан ўтганлиги тўғрисида  
**ГУВОҲНОМА**

ЮК № 006488

Ушбу билан \_\_\_\_\_ **МУСТАЕВ БЕГАЛИ ХАКИМОВИЧ**  
(юридик хизмат ходимининг фамилияси, исми ва отасининг исми)

\_\_\_\_\_ **Сирдарё вилояти адлия бошқармаси** \_\_\_\_\_ да  
(аттестацияни ўтказган адлия органининг номи)

аттестациядан ўтганлиги тасдиқланади ва у давлат бошқаруви ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, хўжалик бошқаруви органлари, давлат корхоналари, муассасалари ва ташкилотларининг юридик хизматида ишлаши мумкин.



Гувоҳнома \_\_\_\_\_ **2022 йил 08 февраль** \_\_\_\_\_ гача амал қилади.  
(йил, кун ва ой)

Аттестация комиссияси раиси: \_\_\_\_\_ **И. Қудратов** \_\_\_\_\_  
(имзо) (фамилияси, исми ва отасининг исми)